

МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ОРҚАЛИ КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ



Зайнутдинов Исмоил Самариддин ўғли
Тошкент давлат иқтисодийёт университети мустақил изланувчи
E-mail: i.zaynutdinov@tsue.uz

Аннотация. Ушбу мақолада жорий молиявий активларни самарали бошқариш тизимини такомиллаштириш, корхона молиявий ҳолатини яхшилаш, халқаро тажрибаси ва унинг кўрсаткичлари ва аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек молиявий активларни бошқаришни муваффақиятли амалга оширишга доир илмий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: молиявий активлар, дебиторлик, кредиторлик, номолиявий активлар, реал активлар, пул маблағлари.

Кириш

Молиявий менежментнинг турли объектлари бўйича қарорлар қабул қилиш орқали корхоналар бозор қийматини максималлаштириш асосий мақсад ҳисобланса, унинг ҳар бир объекти ёки уни бошқариш элементлари ушбу объектларнинг иқтисодий табиати ҳамда умумий мақсадга таъсирининг хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Акциядорлик жамиятларида рентабеллик ва молиявий барқарорликни юксалтиришга қаратилган жорий активларни самарали бошқариш бўйича молиявий қарорлар қабул қилиш комплекс молиявий бошқарув тизимининг элементи ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодчи В.Д. Герасимова ҳам тўлов қобилияти - нақд пул маблағларини тўлов мажбуриятларини ўз вақтида қайтара олиш имконияти сифатида баҳолайди [1].

Демак, юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш жоизки, пул маблағлари аввало жорий мажбуриятларни қайтариш орқали тўлов қобилиятини яхшилашга хизмат қилади. Унинг таркиби ва динамикасига асосланган ҳолда пул маблағларининг ушбу вазифасини қай даражада бажарилиш ҳолатига баҳо бериш мумкин. Пул маблағларининг динамик ўсиши билан бирга унинг таркибий тузилмасида ўзгариш тенденцияси кузатишмоқда.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодий адабиётда пул маблағларини бошқариш асосан тўлов қобилиятини тامينлаш мақсадида амалга оширилишига эътибор қаратилади [2]. Буни қуйидаги иқтисод олимларнинг фикрларидан ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Россиялик иқтисодчи В.В. Ковалевнинг фикрича тўлов қобилияти- бу корхонада кредиторлик қарзларини тезлик билан қайтариш ҳисоб китоблари учун пул маблағлари ва унинг эквивалентларининг мавжудлиги [3] эканлигини эътироф этади.

Демак, тўлов қобилиятининг мазмунан 2 қисми яъни актив ва пасив жиҳатлари мавжуддир. Актив жиҳатлари, керакли ҳажмдаги пул маблағларининг мавжудлиги ва пасив жиҳати кечик тирилган кредиторлик қарзларининг мавжуд эмаслиги каби белгиларидадир.

Молиявий активларнинг элементи ҳисобланган дебиторлик қарзларига инвестицияларнинг иқтисодий табиати ва уни компаниялар бозор қийматини таъсирига оид қарашлар иқтисодчи С. О. Джон томонидан кенг ёритиб берилган [4]. Тижорат кредити воситасида шакллантириладиган жорий молиявий активлар ва пасивларни мувозанатли бошқариш масалалари С. Даниел ва Р.Ф. Сейфертларнинг илмий тадқиқотларида чуқур ўрганилган [5]. Иқтисодчи М.Д. Бавелд эса молиявий инқироз даврида Голландия компанияларида рентабеллик кўрсаткичларига ишчи (жорий) капитал самарадорлигининг таъсир кучи юқори бўлишини исботлаган [6].

Х. Ким Ёнг ва Жозеф Аткинслар жорий молиявий активлар таркибида дебиторлик қарзларининг компаниялар бозор қийматини максималлаштиришга таъсирини эмпирик тадқиқотлар йўли билан асосланган [7]. Бу борадаги ўзига хос тадқиқотлардан бири Зви Лиебер, Яир Е. Ордерлар томонидан олиб борилган бўлиб, улар дебиторлик қарзларининг компаниялар молиявий хўжалик фаолиятига таъсирини интеграллаштирилган моделини ишлаб чиқишган [8].

Маълумки, ишчан капитал ҳисобланувчи жорий активларнинг айланувчанлиги молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширилиши нуқтаи назардан позитив аҳамиятга эгаллигини юқоридаги бобларимизда кўриб ўтган эдик.

Тадқиқот методологияси

Мазкур молиявий активларни бошқаришнинг йўллари таҳлил қилинган. Таҳлил жараёнида илмий абстракциялаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, таққослаш, тизимли таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Маълумки, ишчан капитал ҳисобланувчи жорий активларнинг айланувчанлиги молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширилиши нуқтаи назардан позитив аҳамиятга эга.

Жорий активлар айланувчанлигига 2 та асосий омил таъсир қилади;

Маҳсулот реализациясидан тушумнинг йиллик ўсиши. Агар жорий активларнинг қийматини шартли равишда ўзгармас деб оладиган бўлсак, маҳсулот реализациясидан тушумнинг ортиши жорий активлар айланувчанлигини ортишига таъсир қилади ва натижада уларнинг айланиш дари қисқаради. Бундай ҳолатда ҳар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот эвазига сарфланадиган меҳнат предметларини қисқариши ва улардан интенсиф фойдаланиш ҳисобига тушумнинг юқори ўсиши кузатилади.

Жорий активлар йиллик қийматининг ўсиши. Бундай ҳолатда шартли равишда тушум динамикаси ўзгармаган ҳолатда жорий активлар қийматининг ўсиши улар айланувчанлигини пасайишига олиб келади. Ушбу ҳолатда ишлаб чиқаришга авансланган капиталнинг унумдорлигини пасайиши кузатилади. Бундай ҳолатга асосий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири дебиторлик қарзлари ёки пул маблағларининг юқори даражада тўпланиши натижасида иммобилизация қилинган активлар улушининг ортиши ҳисобланади.

Дебиторлик қарзларининг корхоналар молиявий ҳолатига таъсирининг асосий индикаторларидан бири уларнинг айланувчанлигидадир. Бундан қуйидаги расм орқали тизимлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, дебиторлик қарзлари пул маблағларининг маълум маънодаги ўрнини босувчи субституция ёки пул маблағларининг суррогати¹ ҳам ҳисобланади. Чунки улар, биринчидан тижорат кредити инструментларидан бири сифатида пул маблағларига бўлган даврий эҳтиёжни таъминлаш вазифасини бажаради. Иккинчидан, дебиторлик қарзлари молиявий актив ва муомала фондларининг элементи сифатида корхоналарнинг товарлар ва хизматлар бозоридаги савдо сиёсатида ўз сегментини кенгайтиришнинг маълум имкониятларини ўзида мужассамлаштиради.

Шу нуқтаи назардан жорий молиявий активлар таркибида дебиторлик қарзларининг белгиланган нормадан ортиқча миқдори ҳам, кам миқдори ҳам ёки айланиш тезлигини пастлиги, юқорилиги молиявий ҳолатни мўтадил даражада ушлаб туриш учун маълум салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Жорий активлар айланувчанлиги ва унга таъсир этувчи омилларнинг миқдор жиҳатдан таъсири қуйидаги ҳисоб китоблар орқали келтирилади. Бунда дастлаб базис йилдаги жорий активлар айланувчанлиги ва ҳисобот йилидаги айланувчанлиг ҳисобланади.

$$\lambda_n^t = \frac{R_n}{CA_n} = \frac{145485,3}{117566,5} = 1,24$$

$$\lambda_{01}^t = \frac{R_{n*1}}{CA_n} = \frac{198368,6}{117566,5} = 1,68$$

$$\lambda_{n+1}^t = \frac{R_{n+1}}{CA_{n+1}} = \frac{198368,6}{151274,2} = 1,31$$

Юқоридаги ҳисоб китоблар асосида жорий активлар айланувчанлигини йиллиги ўзгариш динамикаси қуйидаги тарзда ҳисобланади.

$$\Delta\lambda_n^t = \lambda_{01}^t - \lambda_n^t = 1,68 - 1,24 = 0,44$$

$$\Delta\lambda_s^t = \lambda_{n+1}^t - \lambda_{01}^t = 1,31 - 1,24 = 0,07$$

$$\Delta\lambda_\varepsilon^t = 0,44 - 0,07 = 0,35$$

Демак, юқоридаги ҳисоб китобларга кўра жорий активлар айланиш тезлигининг йиллик кўрсаткичи 2020 йилда 0,35 мартага ўсган.

Дебиторлик қарзларининг айланиш тезлигини оширилиши жорий активларга нисбатан ортиқча ташқи молиявий эҳтиёжларни қисқартириш имкониятларини яратади. Ушбу ҳолат том маънода олганда нисбатан кам меҳнат предметлари ҳисобига кўп товарлар ишлаб чиқариш имкониятларини яратиши мумкин. Лекин, айланиш тезлигини ошириш, дебиторлик қарзларини қисқартириш орқали ҳам таъминланиб, ушбу ҳолат савдо сиёсатидаги сегментларни қисқаришига, товарларни кредитга солиш кўламини қисқаришига олиб келиши мумкин. Бундай вазиятда тайём маҳсулотни реализация қилиш билан боғлиқ айрим муаммолар вужудга келиши мумкин.

¹ Суррогат (от нем. Surrogat) — ўрнини босувчи деган маънони англатади.



1-расм. Дебиторлик қарзлари айланувчанлигининг корхоналар молиявий ҳолатига таъсири²

Дебиторлик қарзларининг айланиш тезлигини секинлашуви эса ўз навбатида, қўшимча молиявий ресурсларга эҳтиёжнинг вужудга келиши орқали ташқи молиялаштириш кўламининг ортиши ҳисобига тўлов қобилиятини йўқолиш рискинни вужудга келтириши мумкин. Жорий молиявий активлар ва умуман жорий активлар айланиш тезлигининг пасайиши эса табиий равишда уларнинг рентабеллик кўрсаткичларини пасайишига олиб келиши мумкин.

Лекин ушбу ҳолатнинг яна бир нозик жиҳатлари ҳам мавжуддир. Дебиторлик қарзлари айланишининг секинлашуви уларнинг миқдор жиҳатидан ортиши билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бундай шароитда яна бир ҳолат яъни тайёр маҳсулотни кредитга солиш орқали товарлар ва хизматлар бозоридаги савдо сегментларини кенгайтириш, контрагентлар спектрини кенгайтириш имкониятларини ҳам яратиши мумкин. Натижада, жорий активлар таркибидаги тайёр маҳсулотни тез реализация қилиш орқали улар айланиш тезлигини оширилиши мумкин.

Умумий контекстда кўриб ўтадиган бўлсак, пул маблағларининг суррогати сифатида дебиторлик қарзларининг айлананиш тезлигини ортиши корхоналар

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

молиявий ҳолати учун нисбатан юқори даражада позитив таъсир кўрсатиш имкониятларига эга. Шунинг учун ҳам аксарият акциядорлик жамиятларида молиявий хизмат тизими дебиторлик қарзларининг бошқариш стратегиясида унинг айланувчанлигини ошириш омилларини аниқлашга ҳаракат қиладилар.

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, жаҳон ва маҳаллий амалиёт томонидан таклиф қилинган ва диаграммада жамланган бошқарув усуллариининг моҳияти маълум Умумий контекстда кўриб ўтадиган бўлсак, пул маблағларининг суррогати сифатида дебиторлик қарзларининг айлананиш тезлигини ортиши корхоналар молиявий ҳолати учун нисбатан юқори даражада позитив таъсир кўрсатиш имкониятларига эга. Шунинг учун ҳам аксарият акциядорлик жамиятларида молиявий хизмат тизими дебиторлик қарзларининг бошқариш стратегиясида унинг айланувчанлигини ошириш омилларини аниқлашга ҳаракат қиладилар.

Ўтиш даври иқтисодиётига хос тўлов тизими билан боғлиқ муаммолар мамлакат табиркорлик субъектлари жорий активлари таркибидаги муомала фондларининг элементи ҳисобланган дебиторлик қарзларининг юқори салмоғини ташкил қилиши билан белгиланади. Бунда энг асосий муаммо муддати ўтган дебиторлик қарзлари ҳисобланиб, молиявий активларни бошқаришнинг бошш муаммоларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Герасимова В.Д. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности промышленного предприятия. М.: КНОРУС, 2011.-356 с.(с. 124).
2. Кастромицкая, Т. И. Экономическая сущность денежных средств и платежеспособности предприятия / Т. И. Кастромицкая. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2017. — № 22 (156). — С. 268-270.
3. Ковалев В. В. Финансы. Учебник. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Проспект, 2007. — 626 с. (с. 346)
4. John S. Oh. Opportunity Cost in the Evaluation of Investment in Accounts Receivable // Financial Management, Vol. 5. №2 (Summer, 1976). P. 32-36.
5. Daniel Seifert a, Ralf W. Seifert, Margarita Protopappa-Sieke. A review of trade credit literature: Opportunities for research in operations // European Journal of Operational Research. №231. - 2013. P. 245-256.
6. Baveld M.D. Impact of Working Capital Management on the Profitability of Public Listed Firms in The Netherlands During the Financial Crisis // LAMBERT Academic Publishing. - 2012. P.96.
7. Yong H. Kim, Joseph C. Atkins. Evaluating Investments in Accounts Receivable: A Wealth Maximizing Framework // The Journal of Finance, Vol. 33. №2 (May, 1978). P.403-412. 31.
8. Zvi Lieber, Yair E. Orgler. An Integrated Model for Accounts Receivable Management // Management Science, Vol. 22. №2 (Oct., 1975). P. 212-219.